
Ижтимоий соҳа объектларининг қиши мавсумида иситилиш аҳволи доимий назоратда

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон туманидаги ижтимоий соҳа объектларини қиши мавсумида иситилиш ҳолати мутасадди раҳбарлар томонидан мунтазам ўрганилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриб борилмоқда.

Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев бугун “Ислом” маҳалласидаги 7-умумтаълим мактабининг иситилиш ҳолатини кўздан кечирди.

Билим масканидаги 640 нафардан зиёд ўғил-қизларга 48 нафар педагог устозлар таҳсил беришади.

Муассасанинг иситиш тизимларини барқарор ишлашига оид мавжуд камчиликларни шу куннинг ўзида бартараф этиш юзасидан “Fergana Avtomat Raschot” МЧЖ мутасаддилари жалб этилиб, муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

2024-12-25 21:53:08